**Ушбу сонда:**
2 ТЎЛОВДА ЎНГЛАНИШ хизмат кўрсатиш сифатига боғлиқ
3 ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
4 ЮЗ ЙИЛ УМР КЎРМОҚЧИМИСИЗ? унда ҳозирдан ҳаракатингизни қилинг

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 21 феврал, сешанба № 31 (2080)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## СЎНГГИ ДИЗАЙН АСОСИДА

***Тадбиркор аёл Кароматхон Халилова Хатирчи туманида «Гавҳарой» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этгач, 30 нафар уй бекаси янги иш ўрнига эга бўлди.***

Ушбу корхонада энг сўнгги дизайн асосида аёллар ва эркакларнинг либосларини тикиш йўлга қўйилди. Чеварлар тайёрлаган либослар туман ва вилоятдаги савдо дўконларида сотувга чиқарилди. Маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ва арзонлиги харидорларни ўзига жалб этди.

Шунингдек, корхонада фаолият юритаётган сартарошхона, музлатгич ва пойафзалларни таъмирлаш устахоналари ва замонавий услубда фотохизмат кўрсатиш цехлари ҳам яхшигина даромад келтиряпти. Жорий йилда телерадио воситаларини тузатиш шоҳобчаси ва гўшт дўконини очиш ҳам режалаштирилмоқда.

**(ЎзА)**

*2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

***- Инсон ҳаётида қувонч ва ташвиш ёнма-ён юрар экан. Ўғлим ногирон бўлиб қолган эди, шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан у шифо топди! Беморларга меҳрини бериб ишлаётган шифокорларнинг қўллари дард кўрмасин. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг педиатрия мажмуида ўғли Қодир Ёқубовни даволатаётган қибрайлик Кутби опа ўз кечинмаларини ана шундай ҳаяжонли сўзлар билан ифодалади.***

## ШИФО УЛАШИШ БАХТИ



Маълум бўлишича, ўғли Қодиржон туғилганидан кейин бир ёшга етмай бахтсиз тасодиф туфайли чап қўли куйиб, бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолган. Бола тўрт ёшга тўлганда пойтахтимиздаги малакали шифокорлар томонидан операция қилиниб, бармоқлар бир-биридан ажратилган, бироқ чандиқлар сақланиб қолган эди. Қодиржоннинг қўли иккинчи бор операция қилинди.

Бунда мамлакатимиз олим ва мутахассислари билан бирга Жанубий Кореядан келган шифокорлар ҳам иштирок этди.

- Ўғлимнинг аҳволи ҳозир яхши, - дейди Кутби опа. - Шифокорларнинг айтишича, белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтиб, тегишли муолажаларни ўз вақтида олиб турса, унинг қўлида умуман чандиқ излари қолмайди. Ўғлим Қодиржондай беморларга ёрдам қўлини чўзган хайр-саховатли инсонлар ҳамиша омон бўлсин...

Мазкур шифо муассасасида ўтказилган бир ҳафталик хайрия тадбири доирасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган Қодиржонга ўхшаш туғма ва орттирилган нуқсони бўлган қирқ нафардан кўпроқ кам таъминланган оила фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари жарроҳлик йўли билан даволанди. Операцияларни мамлакатимизнинг малакали шифокорлари ва Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети Бунданг шифохонаси мутахассислари ҳамкорликда бажарди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Sen yolg`iz emassan», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

- Операциялардан енгил ўтиб, болалар тузалиб кетаётганини кўриб ғоят хурсанд бўляпмиз,- дейди Сеул миллий университети профессори Хван Сонг.- Юртингизга келишимиздан мақсад болаларга ана шундай шифо бахш этиш билан бирга, илм-фан ютуқлари, болалар жарроҳлигига оид янги даволаш усуллари ва воситалари борасида ўзаро тажриба алмашишдан иборат. Бундай ҳамкорлик тиббиётни янада ривожлантириш, шифокорлар малакасини оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Фаолларимиз ҳақида ҳикоялар*

***Ўзбекистон касаба уюшмалари IV Қурултойи қарорларида тармоқда ташкилий тузилмаларни мустаҳкамлаш, айниқса бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини халққа яқинлаштириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Зеро, жамиятни эркинлаштириш, кучли фуқаролик давлатини барпо қилиш, шарқона қадриятларни қарор топтиришнинг мазмун-моҳияти ҳам шуни тақозо этади. Кўзланган мақсад шу асосда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш, касаба уюшмаларининг меҳнат жамоаларидаги ижтимоий шерикчилик роли ва нуфузини оширишдир.***

## КЎМАК ГУРУҲИ
### ҳеч кимни унутмайди

Обиджон одатдагидек барвақт уйғонди. Тўнини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Тизза бўйи ёққан қордан кўзлари қамашди.

Апил-тапил нонушта қилган бўлди. Ташқарига, "Янги бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини томонга шошилди. Қорни ғарч-ғарч босиб бораркан, тунов куни, ширкат раисининг хонасида бўлган йиғинни эслади. Ўшанда ширкат хўжалиги бошқарув хайъати билан касабақўмнинг қўшма мажлиси ўтказилганди. Раис Содиқжон Бобохонов, касаба уюшма етакчиси Мастурахон Иброҳимовалар маъруза қилишиб, Қўрғонтепа туман ҳокимлигидан олинган топшириқлардан йиғин қатнашчиларини огоҳ қилгандилар.

Ичкарида жамоат жам эди. Бу манзарадан Обиджоннинг кўнгли таскин топди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Замирахон Усмонова, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳодатхон Қосимова, бўлим бошлиғи Жабардин Назаров иштирокидаги машварат мухтасар бўлди. Кун тартибидаги кам таъминланган оилалар, якка-ёлғиз нуронийларни турмуш ва маиший шароитларидан хабар олиш, газ, электр асбобларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлишга эътибор қаратилди. Шу йўналишда маҳалла фаолларидан иборат кўмак гуруҳи тузилди. Унга Обиджон Насриддинов ҳам аъзо қилиб бириктилди.

Таркибга Обиджоннинг киритилиши бежиз эмасди. Негаки, йигит "Намуна" ширкат хўжалиги касабақўмининг фаолларидан. Маданий-маиший ва оммавий спорт, соғломлаштириш доимий комиссияси саркори. Машваратдан сўнг, вазият билан танишгани таркиб аъзолари хонадонларни айлангани йўл олдилар.

Гуруҳ аъзолари нафақахўр Дилором опа ҳамда Николай ака хонадонида бўлиб, уларнинг турмуши ва маиший шароити билан қизиқишди. Дори-дармон таъминоти, нафақа пулларининг қўлга тегиши, болаларнинг мактабга қатнови, қиш деганларидек, ўтин-кўмиридан гап очиб, қониқиш ҳосил қилишди. Наинки, бир муддат олдин оилага моддий ёрдам кўрсатиш ишларида фаоллар бош-қош бўлишганди. Ногиронларни ҳомийликка олиш ҳақида ширкат хўжалигига таклиф киритилган бўлиб, уларга касабақўм ҳамда бошқарув ҳайъати қўшма қарори билан ёрдам пули берилганди.

Шу куни Обиджон болалар боғчасида, ҳудуддаги 6-мактаб, қишлоқ врачлик пунктида бўлишни ҳам унутмади. Бинолардаги иссиқлик тизимларининг ишлаши, болаларнинг овқатланиши, дарсларга иштироки, спорт ишларининг йўлга қўйилиши, шифохонада фуқароларга кўрсатилган тиббий хизмат сифатини назардан ўтказди. Машина-трактор саройида анча ушланиб қолди. Зарарли шароитда ишлаётган ходимларнинг сут маҳсулотлари билан таъминланишида узилишлар йўқлигидан кўнгли равшан топди. Ҳамкасбларни яқинда "Отам, онам ва мен" шиори остида оилавий спортчилар мусобақаси ўтказилишидан хабардор қилиб, машина-трактор саройида ушбу тадбирни уюштириш бўйича маслаҳатлар берди.

Йигитнинг касби оддий-тракторчи, "Намуна" ширкат хўжалигида қарийб 20 йилдан буён механизаторлик касбини ардоқлаб келаётир. Шу билан бир қаторда, касаба уюшма ташкилотининг фаолларидан бири саналади. Аммо жамоатчилик юмушларини адо этаётгани ҳақида миннат қилганлигини шу кунгача биров эшитмаган. Маҳалладошларининг қувончу-ташвишлари билан яшаш унга куч-ғайрат бахш этмоқда.

— Ширкатда 1704 нафар меҳнатчи ишлаб турибди, - дейди касабақўм раиси М.Иброҳимова – Улар 4 та цех, 26 та гуруҳ қўмита атрофига жипслашган. Ёлланма меҳнат ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касабачи фаолларга таяниб иш юритяпмиз.

Раиснинг эътирофича, касабақўм ҳузурида 4 та жамоатчилик доимий комиссияси фаолият юритмоқда. Уларнинг ваколатлари ва иш режалари қайд этилган кўргазма ташкил қилинган. Вақти-вақти билан қўмита йиғилишларида жамоатчи фаолларнинг ҳисоботлари тингланмоқда.

Муҳими, жамоа шартномалари ижросини амалга оширишда касабачиларнинг иштироки фаоллашмоқда. Меҳнат муносабатларини йўлга қўйиш, ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ёлланма ходимларнинг иш ва маиший шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни моддий қўллаб-қувватлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, ойлик маошларнинг тўловларида касабачиларнинг ижтимоий шерикчилиги тобора самаралироқ бўлиб бормоқда.

Ижтимоий шерикчилик аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, файзу-барака, иқтисодий барқарорлик, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашнинг гаровидир. Хўжаликдаги хайрли ўзгаришларни 2005 йил якуни ҳам тасдиқлаб турибди. Давлатга 4508 тонна бошоқли дон, 3311 тонна пахта сотилиб, шартномавий режалар ортиғи билан бажарилди. Пахтачилик ва ғаллачиликдан келган даромад қишлоқ ахлининг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилаётганлиги эътиборга молик. Аҳоли пунктларига 5,7 километр масофада электр линиялар тортилиб, 3,5 километр тоза ичимлик суви, 3,9 километрга табиий газ қувурлари ётқизилди. Меҳнаткашларнинг қозноғидан дон, тандиридан нон узилмайди. Ўтган йили 50 нафар боқувчисини йўқотган оилалар, фахрийларга 10 тонна ғалла бепул тарқатилди. Ширкат ҳисобидан муҳтож хонадонларга 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. "Косонсой" "Чимён" сиҳатгоҳларида 80 киши бепул дам олдирилди. Рақамлар мағзини чақсангиз, йил давомида ҳар бир ишловчининг ижтимоий ҳимоясига 82 минг сўмдан маблағ сарфланганлиги аёнлашади.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Касаба уюшма тадбири*

***Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қурултойида энг оммавий ташкилот ролини оширишга, меҳнаткашларнинг самарали иш юритиш ва дам олиши учун қулай бўлган жамоа шартномаларини қабул қилиш муҳимлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Тез ўзгарувчан даврда яшаяпмиз. Шундай экан, касаба уюшмалари ҳам замон билан қадам-бақадам олға интилиши лозим.***

## ЭНГ ЯХШИ ЖАМОА ШАРТНОМАСИ
### КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

Ана шу мақсадда яқинда Қўқон шаҳар агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кенгаши ташаббуси билан "Қўқон ёғ-мой" акциядорлик жамияти клубида жамоа шартномаси юзасидан ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда 40 га яқин ушбу тармоқ раҳбарлари, касаба уюшма раислари, техника хавфсизлиги бўйича етакчи мутахассислар, ҳуқуқшунослар иштирок этдилар.

Семинарда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳоджон Ўринбоев жамоа шартномасини қандай тартибда тузилиши ҳамда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан эътибор берилиши зарур бўлган йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

— Шартнома жамоанинг ички қонуни, тартиб қоидаси ва улар фаолиятини кўзланган мақсадлар сари йўналтирувчи асосий йўналишлар мажмуасидир, — деди Ф. Ўринбоев. — У ишчи-хизматчиларга берилиши зарур бўлган барча имтиёзлар ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида ҳимояловчи ҳужжатдир. Шунинг учун ҳам у ҳар томонлама мукаммал тузилишига эришиш ҳамда жамоа ўртасида кенг доирада муҳокама қилиниши зарур.

Шундан сўнг вилоят қўмитасининг етакчи мутахассислари Равшанжон Фозилов, Камолиддин Юсупов ва шаҳар қўмита раиси Анорхон Умаровалар жамоа шартномасини тузиш борасидаги янги тартиблар билан анжуман қатнашчиларини таништирдилар. Семинарда Қўқон ўрмон хўжалиги ва "Қўқондонмаҳсулот" акциядорлик жамияти касаба уюшма раислари Валижон Холиқов ва Валижон Олимов ҳамда "Қўқон ёғмой", "2-пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамиятлари ҳуқуқшунослари Халимахон Мўминова ва Неъматжон Холматовлар жамоа шартномасини тузишда ўз корхоналарида нималарга эътибор берилаётгани билан ўртоқлашдилар.

Тадбирда энг яхши жамоа шартномаси, деб топилган ташкилот, корхона ва муассасалар касаба уюшмалари қўмиталари иш тажрибаларини вилоят миқёсида оммалаштирилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

**Зоҳиджон БОЛТАБОЕВ**
**«Ишонч» мухбири**

## МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДОШИЛСА
### эътирозга ўрин қолмайди

Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати касаба уюшма қўмиталари раисларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги йирик ташкилотлар, жумладан, Тошкент трактор заводи, "Агрегат заводи", "Ўзбекқишлоқмаш", Мотор заводи, Подъемник заводи, Алгоритм, "Ўзэлектроаппарт", "Ўзбеккабел", "Фотон", "Зенит", "Ўзбекпахтамаш" каби ташкилот касаба уюшма қўмитаси раислари қатнашдилар. Асосий масала меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, жамоа шартномаларини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш, бунда меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш тартиби ва таркиби кўриб чиқилди.

Анжуманда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорларидан келиб чиққан ҳолда, касаба уюшмаларининг бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, маҳалла билан алоқалар ўрнатиши борасидаги вазифалари ҳақида ҳам гап борди.

Тадбир қатнашчилари жамоа шартномалари тузишда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, корхонада хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш берувчи билан меҳнат шартномалари тузиш, ишчиларни махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари, даволаш-профилактика, шунингдек, маҳалла қўмиталари билан касаба уюшмаларининг ҳамкорлигини йўлга қўйиш борасида турли хил тадбирларни аҳоли ўртасида ўтказиш, жамоа шартномаларининг сифатини яхшилаш, уларнинг бажарилиши устидан томонларнинг масъулиятини ошириш каби масалалар хусусида фикр алмашдилар, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.



**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҚЎНҒИРОТЛИК ТАШАББУСКОРЛАР

Юртбошимиз соврини учун ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» танлови ишбилармон кишиларни, қўли гул ҳунармандларни, ташаббускор фермерларни кашф этиб бормоқда.

Танловнинг бу йилги Қўнғирот туманида ўтказилган босқичида ҳам кичик корхоналар, фермерлар, тадбиркор ва ҳунармандлар ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари, сифатли озиқ- овқат маҳсулотлари намойиш этилди.

*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди*

***Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу бебаҳо бойликни ишлаб чиқариш учун озмунча меҳнат сарфланаяптими ахир?***

***"Энергия ресурсларини қазиб олиш, қайта ишлашдан тортиб, сотиш ва ниҳоят фойдаланишгача бўлган деярли барча босқичларда уларни тежаб ишлатмаслик, ўлчов асбобларининг йўқлиги, асоссиз йўқотишларга, кўпинча ўғрилик ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда..."***

## НУРИ ЁҚАДИ-Ю, ПУЛИ ЧАҚАДИМИ?

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бошқа муҳим масалалар қаторида мамлакатимизда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада йўл қўйилаётган камчиликларга бежиз эътибор қаратгани йўқ.

Ғузор тумани Қашқадарё воҳасининг аҳолиси зич ҳудудларидан ҳисобланади. Бугунги кунда бу ерда 23 мингдан ортиқ маиший ҳамда 270 та юридик мақомга эга бўлган истеъмолчилар мавжуд. Уларга туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари хизмат кўрсатишаяпти.

Корхонада бўлганимизда, ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани билан танишдик. Бугунгача 100 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтказилибди.

– 23 нафар назоратчимиз бор, – дейди корхона раҳбари Марат Мамашукуров. – Ҳар бир назоратчига ҳудудлар бўйича истеъмолчилар бириктилган бўлиб, улар аҳолидан электр энергия бўйича қарздорликни аниқлаб, тўловларни амалга оширишлари учун жойлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбарларига ва банк муассасаларига тақдимномалар киритишади.

"Шакарбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини назоратчиси Нормурод Бозоров, "Пачкамар" қишлоқ фуқаролар йиғини назоратчиси Толиб Ниёзов, "Жарариқ" қишлоқ фуқаролар йиғини бўйича назоратчи Тошпўлат Бегалиевларнинг саъй-ҳаракати билан аҳоли электр энергиясидан фойдаланганилиги учун тушумлар ўз вақтида амалга оширилаяпти.

Соҳа ходимларининг ўз ишларига масъулият билан ёндошганликлари боис қисқа вақтда 365 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари ундирилди. Лекин электр энергиясидан фойдаланиб, катта миқдорда қарздорликни юзага келтираётган фуқаролар ҳамда ташкилот раҳбарлари ҳам йўқ эмас.

Майна Ҳасанова номли муқобил машина трактор парки маъмуриятининг бугунгача электр энергиядан қарзи 818 минг сўмни ташкил этса-да, раҳбар Инат Мустанов нима учундир қарзни тўлашни пайсалга солиб келаяпти. 19-сон деҳқон қурилиш бошқармаси (раҳбари Хушвақт Мирзаев)нинг бугунгача электр энергиядан қарзи 331 минг 849 сўмни ташкил этади. Электр энергиясидан қарздорлик борасида "Истиқлол" хўжалиги (раҳбари Нурали Оролов) "рекорд" натижа кўрсатди. Жамоада бугунгача 45 миллион 291,5 минг сўмлик қарз юзага келганлигини қандай тушуниш мумкин?

— Мен 43 йил ишлаб чиқаришда меҳнат қилдим, — дейди Хўжагузар маҳалласида яшовчи Абдухолиқ ота Лолаев. — Ҳаётимиз фаровон, уйларимиз чароғон. Катта меҳнатлар эвазига бунёд этилаётган ишларни кўриб кўз қувнайди. Айниқса, энергетика соҳасида. Ёшлигимизни оила аъзоларимиз билан лампа шиша атрофида ўтказганмиз. Вақти-вақти билан энергия берирларди. Бугун соҳа бекиёс ривожланди. Фурсатдан фойдаланиб, ёшларимизга айтадиган бир гапим бор: электр энергияни тежаш, авваламбор, фаровонлигимизни таъминлайди. Бу бебаҳо бойликка оқилона муносабатда бўлиш зарур.

Туман электр тармоқлари маъмурияти дебиторлик қарзи бўйича ташкилот ва корхона раҳбарларига бир неча марта огоҳлантириш хати юборишларига қарамасдан, ўз вақтида электр энергия учун тўланиши керак бўлган тўловларни амалга ошириш оғир кечаяпти. Тошгузар маҳалла фуқаролари (раиси Дилмурод Отамуродов) 250 минг, Гармистон қишлоқ фуқаролар йиғини (раиси Бозор Омонов) 300 минг сўм миқдорда электр энергиядан қарз бўлиб турибди. Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Жорий йил бошидан бугунгача юридик мақомга эга бўлган ташкилот ва маиший истеъмолчиларнинг қарзлари 2 миллион 278 минг 540 сўмни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилганидек, ҳаётимизни фаровон этаётган, турмушимизни яхшилаётган ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланилса, айни муддао бўлур эди.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## НАВРЎЗ ТАДОРИГИ

Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани ҳокимлиги Наврўз - умумхалқ байрамини тантанали ўтказиш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унда Ҳомийлар ва шифокорлар йилида халқ анъаналари, урф- одатларига юксак ҳурмат ва эҳтиромни намойиш этиш, маънавий қадриятларимизни кишилар онгига чуқурроқ сингдириш, шаҳар ва овуллар кўркига-кўрк қўшиш, кўкламги ободонлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар белгиланди.

Тумандаги корхона,ташкилот ва қоракўлчилик ширкат хўжаликлари, маҳаллалар бу хайрли тадбирда фаол иштирок этмоқда. Наврўз айёмига тайёргарлик бўйича ободончилик икки ойлиги эълон қилинди. Ойлик давомида «Лочин» ўйингоҳини байрамга тайёрлаш, маҳаллалар, кўчалар, хиёбонларни обод этиш, коллеж ва лицейлар, мактаб ва боғчалар қиёфасини тубдан яхшилаш ишлари бажарилади. Ҳозиргача Учқудуқ шаҳри ва туман хўжаликларида 10 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди.

- Бизда «Наврўз» умумхалқ байрамига ҳозирлик ўтган йилга нисбатан барвақт бошланди, - дейди туман ҳокими Ихтиёр Умаров. - Байрам арафасида бир қанча ишлаб чиқариш корхоналари, иккита қишлоқ шифохонаси ва битта маҳалла гузарини фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Ҳомийлар кўмагида учта мактаб, ўндан ортиқ чўпон уйлари қайта таъмирланади. Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси ҳомийлигида мактаб ўйингоҳлари қайта таъмирдан чиқарилиб, спорт анжомлари билан таъминланади.

**(ЎзА)**

*Газетхон илтимосига кўра*

**Тармоқ касаба уюшмаларининг вакилликлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ишларини олиб бориш бўйича ТАВСИЯЛАР**

3-бетга қаранг

# Тармоқ касаба уюшмаларининг вакилликлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ишларини олиб бориш бўйича ТАВСИЯЛАР

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги "Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сони 5 мингдан кам бўлган туман, 10 мингдан кам бўлган шаҳар, 30 мингдан кам бўлган Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар қўмиталари, бирлашган қўмиталари ва раислар кенгашлари ўрнига шу тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг тегишлича туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича вакилликлари жорий этилди (кейинги ўринларда "Вакиллик" деб юритилади).***

***Вакилликлар жорий этилишидан кўзланган асосий мақсадлардан бири – ўрта бўғиндаги ўз вазифаларига жавоб бермай қолган идораларни тугатиш, ортиқча қоғозбозликни камайтириш эвазига касаба уюшмалари марказий органларини бошланғич ташкилотларга янада яқинлаштиришдир. Бу эса ўрта бўғин фаолиятининг туб мақсад ва вазифаларини ўзгартирмай туриб, унинг шакл ва услублари такомиллаштирилишини тақозо этади.***

***Мазкур тавсияларда касаба уюшма аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вакилликлар амалга ошириши лозим бўлган асосий вазифалар келтирилган.***

## I. Жамоа-шартномавий муносабатларни ривожлантириш борасида

Шуни таъкидлаш жоизки, Вакиллик касаба уюшма органи ҳисобланмайди, шу боис унинг фаолиятида ҳайъат органлари (Пленум, Раёсат) йиғилишларини ўтказиш назарда тутилмаган.

Лекин ҳудудий-тармоқ келишувларини тузиш зарурати мавжуд бўлган ҳудудларда хўжалик органига паритет орган сифатида тармоқ касаба уюшмасининг ҳудуддаги касаба уюшмаси қўмиталари раислари Кенгаши (қуйида "Раислар Кенгаши" деб юритилади) келишув иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин. Бунда Раислар Кенгаши жамоа музокараларида ўз манфаатларини ифода этиш, келишувга имзо чекиш ва уни ўз муҳри билан тасдиқлаш ваколатини касаба уюшмасининг ҳудуддаги вакилига ишониб топшириши тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Агар муайян ҳудудда бошланғич ташкилотлар сони жуда кўп бўлса, ўз вазифаларини тезкор амалга ошириш учун Раислар Кенгаши маълум сон билан чекланган аъзолардан ихчам қилиб сайланиши мумкин.

Жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари, шунингдек, уларнинг мазмуни, амал қилиш муддати ва доираси, улар бажарилишини текшириб бориш қоидалари Меҳнат кодексининг 47-56 моддаларида белгилаб қўйилган.

Келишувлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иккита ҳолатга алоҳида эътибор берилиши тавсия этилади:

1) қонун ҳужжатларига риоя қилиш, яъни тузилаётган келишувга амалдаги қонунларга зид меъёрлар киритилишини олдини олиш, шунингдек, мазкур масалалар жамоа келишувларида акс эттирилиши шарт, деб қонун ҳужжатларида бевосита кўрсатма берилган меъёрий ҳолатларни акс эттириш;

2) юқори поғонада тузилган тармоқ ва ҳудудий-тармоқ келишувлари меъёрлари пасайтириб юборилишига йўл қўймаслик. Бунинг учун вакилликда юқори миқёсдаги тармоқ келишуви ва мазкур ҳудуд миқёсидаги ҳудудий келишув мавжуд бўлиши керак.

Ўзбекистон КУФК Раёсатининг 2001 йил 25 декабрдаги 6-2 сонли қарори билан тасдиқланган "Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш Тартиби"га биноан келишувлар лойиҳалари касаба уюшмалари вилоят (Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар) ташкилотлари бирлашмасига экспертиза қилиш учун берилиши керак.

Тузилган келишувлар Меҳнат кодексининг 51-моддасига биноан меҳнат органларида билдириш рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Қабул қилинган келишувлар мазмуни, уларнинг амал қилиш доирасига кирувчи барча касаба уюшма органларига етказилиши ва уларнинг норматив тусдаги қоидалари жамоа шартномаларига киритилиши керак.

**Ҳудудий-тармоқ келишувларида қуйидаги масалалар акс эттирилиши лозим:**

— Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари (МК 22-моддаси).

— Иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар (МК 70-моддаси).

— Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (МК 101-моддаси).

— Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати (МК 117-моддаси).

— Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати (МК 119-моддаси).

— Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари (МК 137-моддаси).

— Тармоқ бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрлари: тариф сеткалари, ишбай баҳолар ва ҳоказо.

— Тармоқ бўйича энг кам ва ўртача иш ҳақи (Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан амалга ошириладиган тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш).

— Нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми (МК 52-моддаси).

— Иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун иш берувчининг жавобгарлиги, шу жумладан, моддий жавобгарлиги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарори).

— Ишлар, ишлаб чиқаришлар ва тармоқлар технологик турлари бўйича ишчилар тариф ставкаларини ошириш коэффициентлари (Ўзб.Респ.Меҳнат вазирлигининг 1993 й. 8 январдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорларда).

— Хизмат сафари даврида ва кўчиб юриш билан боғлиқ ишларда, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда, шунингдек, ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун харажатларни тўлаш шартлари ва тартиби (МК 170-моддаси).

— Тармоқ бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбат (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли Қарори).

— Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш ва уларни жорий этиш тартиби.

— Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг энг кам миқдорлари.

— Ходимнинг айби билан қисман яроқсиз деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари.

— Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори (МК 166-моддаси).

— Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

— Иш ҳақи дебиторлик қарзларнинг ундирилмаганлиги сабабли кечиктирилганда, дебиторлар билан тузилган шартнома ва солиштирма далолатномаларга мувофиқ қарздорлик билан бирга тегишли жарималар ва пенялар ундирилишини таъминлаш ҳамда ундирилган маблағлар ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарорига биноан иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар ва фоиз ставкалари инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Корхоналар балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти.

— Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларнинг қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш (МК 180-моддаси).

— Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари (МК 217-моддаси).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш (МК 240-моддаси).

— Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар (МК 249-моддаси).

**Мазкур йўналишда шунингдек, жамоа шартномаларини кенг жорий этиш вазифаси ҳам муҳим ўрин тутади.** Вакилликнинг бу борадаги фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамоа-шартномавий муносабатлар кўламини кенгайтириш, уларнинг тузилиши, мазмуни, бажарилишини назорат қилиш борасида бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш, бунинг учун тавсиялар, услубий қўлланмалар тарқатиш, ўқув-семинарлар ўтказиш;

- ҳар бир бошланғич ташкилотда қабул қилинаётган жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва қабул қилинганларини рўйхатга олиш;

- жамоа шартномалари бажарилишини таҳлил қилиш, улар бажарилишига оид статистик ҳисоботларни тўлдириш ва юқори касаба уюшма органига ўз вақтида топшириш.

Жамоа-шартномавий муносабатлар кўламини кенгайтириш борасидаги амалий ишларда барча бошланғич ташкилотларга Меҳнат кодексининг IX-боби талабларини тушунтириб бериш лозим.

Жамоа шартномаларининг мазмуни ва тузилиши бўйича тавсиялар (ёки жамоа шартномасининг тармоқ макети) "Ишонч" газетасида чоп этиладиган умумий тавсиялар асосида, тармоқ хусусиятларини инобатга олиб, ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилишда уларда Меҳнат кодексида бевосита кўрсатма берилган қуйидаги моддалар талаблари акс эттирилишини таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим:

— Қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари (4-модда).

— Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва хўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари (22-модда).

— Иш билан таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар (70-модда).

— Ходимнинг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек, бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби (94-модда).

— Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар (95-модда).

— Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги (101-модда).

— Ходимлар сони қисқартирилаётганда уларнинг айрим тоифаларини ишда қолдиришда афзаллик бериладиган (қонунчиликда назарда тутилганидан бошқа) ҳолатлар (103-модда).

— Корхонада ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхати ва уларни бажаришда иш вақтининг муайян муддати (117-модда).

— Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати (119-модда).

— Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, ҳисобга олинадиган давр муддати, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар (123-модда).

— Ходимларни дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб этиш асослари ва тартиби (130-модда, 132-модда).

— Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари (137-модда).

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилаб қўйган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойлар рўйхатига кирмаган бошқа жойларда ҳам ушбу шароитлардаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш тартиби (138-модда).

— Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан кўп бўлган таътил вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш масаласи (142-модда).

— Таътил учун ҳақ тўлаш муддати (148-модда).

— Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловларни белгилаш (153-модда).

— Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (157-модда).

— Тунги вақтдаги ва кечки сменадаги иш учун тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори (158-модда).

— Ходимнинг айби билан қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай баҳолар (159-модда).

— Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш кечиктирилганлиги учун жавобгарлик (161-модда).

— Иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш вақтида ходимга бериладиган кафолатлар (166-модда).

— Ходимнинг (171, 172, 173-моддаларда кўрсатилган) иш билан боғлиқ қўшимча харажатларини компенсация қилиш шартлари ва тартиби (170-модда).

— Меҳнат учун рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш (180-модда).

— Меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги (185-модда).

— Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори (194-модда).

— Давлат мулки шаклидаги корхоналарда иш берувчининг ходимдан зарарни ундиришдан воз кечиш ҳоллари (200-модда).

— Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг тоифалари рўйхати, шунингдек, бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати (203-модда).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига ажратиладиган маблағ ва материаллардан фойдаланиш тартиби (216-модда).

— Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш тартиби ва шартлари (217-модда).

— Болани парваришлаш таътилларининг вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари (234-модда).

— Икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби (236-модда).

— Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар белгилаш (240-модда).

— Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар (249-модда)

— Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг сон таркиби ва ваколатларини белгилаш (262-модда).

**Жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинганларини рўйхатга олиш ишлари** Ўзбекистон КУФК Раёсатининг 2000 йил 12 июлдаги 1-7 сонли қарори билан белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Жамоа шартномалари бажарилишига оид 1-ЖШ шакли бўйича статистик ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача барча бошланғич ташкилотлардан йиғиб олинади, ва улар асосида 2-ЖШ шаклидаги жамлама ҳисобот 3 нусхада тайёрланиб ҳудудий бирлашмага ва юқори касаба уюшма органига топширилади, бир нусхаси эса вакилликнинг ўзида қолдирилади.

1-ЖШ, 2-ЖШ ҳисобот бланкалари вакилликка Марказий Кенгаши томонидан етарли миқдорда етказилиши лозим. Уларни тўлдириш бўйича тавсиялар Ўзбекистон КУФК Раёсати Ижроия қўмитасининг 1999 йил 23 ноябрдаги 20-4-сонли қарори билан тасдиқланган.

## II. Меҳнатга ҳақ тўлаш

Тармоқ ва корхоналар бўйича ўртача иш ҳақи миқдорини ҳар чоракда ва йил якунларига кўра таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, корхоналарда иш ҳақининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги нисбатни ҳам кузатиб бориш керак. Бунда иш ҳақининг тариф (яъни кафолатланган) қисми ўсишига кўмаклашиш талаб этилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати Ижроия қўмитасининг 2002 йил 28-мартдаги 23-9-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 88-сонли қарорини бажариш борасидаги тадбирлар"га биноан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

— Жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларига иш ҳақи тўловлари кечиктирилганлик учун корхоналар раҳбарлари масъулиятини ошириш чора-тадбирларини, иш ҳақи тўловлари кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган суммалар индексация қилинишини, жорий этиладиган тариф сеткасининг "0"-разряд ставкаси, устамалар, қўшимчалар, рағбатлантириш тўловлари ва корхона (тармоқ) бўйича эришиладиган ўртача иш ҳақининг аниқ миқдорларини киритиш;

— Иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўланишини амалда тақиқланишига эришиш.

— Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштирилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фақат ходимларнинг ёзма аризаларига кўра адолатли нархларда берилишини таъминлаш.

— Хўжалик бирлашмалари, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларда меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлайдиган тариф сеткаларини ва ишбай баҳоларни қайта кўриб чиқилишига эришиш, бунда камситувчи меҳнат меъёрлари жорий этилишига касаба уюшма қўмиталари томонидан розилик бермаслик амалларини қўллаш.

Ҳар бир ой якунларига кўра иш ҳақи тўловлари бўйича (шу жумладан, ишлаётган пенсионерлар пенсиясидан, 2 ёшгача боласи бўлган аёлларга тўланадиган нафақадан, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун тўланадиган нафақадан) муддати ўтган қарздорлик миқдорини таҳлил қилиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистон КУФК Раёсати Ижроия қўмитасининг 2003 йил 2 июндаги 38-1-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби" га биноан ҳар чорак якунларига кўра мониторинг ўрнатиш, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш ва ундирилган иш ҳақи миқдорини ҳисоблаб бориш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар маъмуриятларига расмий мурожаат қилиб қарздорликни бартараф этиш талабини қўйиш;

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар бўйича тегишли прокуратурага расмий мурожаат қилиш;

— иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган барча хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлар бўйича фуқаролик судига даъво аризасини киритиш;

— суднинг иш ҳақини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари 1 ой давомида бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги қошидаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятининг моддий-техник ва молиявий таъминоти Департаменти ҳудудий бўлими (туман, шаҳар бўлинмалари)га ариза ёки тақдимнома киритиш;

— қарздорлик муаммоси республика органлари томонидан молиялаштиришга боғлиқ бўлса - иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотлардаги қарздорликни бартараф этишга кўмаклашишни сўраб белгиланган тартибда касаба уюшма Марказий кенгашига мурожаатнома киритиш;

— қарздорлик муаммоси маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва банк муассасаларига боғлиқ бўлса - иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 3,5 ойлик иш ҳақи фондидан ошиб кетган хўжалик бирлашмалари, бошқармалар, корхона ва ташкилотларда қарздорликни бартараф этишга кўмаклашишни сўраб белгиланган тартибда касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмасига мурожаатнома киритиш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб-варақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги (Адлия вазирлигида 615 рақам билан рўйхатга олинган) йўриқномага биноан юридик шахснинг ҳисоб рақамида барча талабларни қондириш учун маблағ етарли бўлмаган тақдирда, уни пропорция асосида ҳисобдан чиқариш кўзда тутилганлигини ҳам унутмаслик керак. Йўриқномага кўра, пропорцияда албатта бюджетга, нобюджет жамғармаларига мажбурий тўловлар билан бир қаторда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, касаба уюшмаси аъзолик бадаллари акс эттирилиши лозим.

## III. Бандлик

Тармоқ корхоналарида янги иш жойлари барпо этилишига кўмаклашиш, уларни ҳисоблаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, иш ўринлари қисқартилиши натижасида бўшатиб олинган ходимлар сонини ва уларга Меҳнат кодексининг 67-моддасида кўрсатилган моддий мадад чоралари кўрсатилишини ҳам назоратга олиш лозим.

Яширин ишсизлик аҳволи, яъни ходимлар ҳақ тўланмайдиган мажбурий таътилларга чиқариб юборилиши устидан мониторинг ўрнатиш (чорак якунларига кўра йўқотилган киши-кунларни ҳисоб-китоб қилиш) ва бундай ходимларга Меҳнат кодексининг 159-моддасига биноан ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш масаласини иш берувчилар олдига қўйиш керак.

## IV. Нодавлат сектори

Вакиллик иш режасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 1999 йил 29 январдаги 28-1 сонли **"Нодавлат сектори ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ва меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида"**ги қарори ва Федерация Кенгаши Ижроия қўмитасининг шу масалага тааллуқли кейинги қарорлари талабларини акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Тармоққа тегишли акциядорлик жамиятлари, ширкат ва фермер хўжаликлари, хусусий ва қўшма корхоналарда касаба уюшма ташкилотларини барпо этиш ва жамоа шартномаларини тузиш ишларини олиб бориш лозим. Бунинг учун фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар умумий рўйхатини (жорий йилнинг 1 январи ҳолатига) ҳудудий бирлашмадан олиб, ундан тармоққа мансубларини танлаб олиш ва уларда касаба уюшма ташкилотлари тузилишига ва жамоа шартномалари қабул қилинишига эришиш керак.

Тармоқдаги банкрот ва санация қилинаётган корхоналар устидан мониторинг ўрнатиш ҳам долзарб вазифалардан бири саналади.

Уни рўёбга чиқариш учун ҳудудий бирлашма орқали Иқтисодий ночор корхоналар ва банкротлик ишлари ҳудудий қўмитасидан мониторинг ҳужжатлари (реестр)ни олиб, улар асосида тугатилаётган ва санация қилинаётган корхоналардан бўшатиб олинаётган ходимларга қонунда кўрсатилган моддий мадад чоралари кўрсатилишига, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлик ундирилишига эришиш керак. Бунда касаба уюшма вакилини корхонани тугатиш комиссияси таркибига киритилишига эришиш яхши самара беради.

## V. Юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш

Мазкур йўналишдаги муҳим вазифалар - аёллар, ногиронлар, 18 ёшга тўлмаган шахслар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар, кам таъминлаган ходимлар ва бошқа тоифадаги юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали уларга имтиёзлироқ шарт-шароитлар яратилишига эришишдир.

Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон байналмилалчи жангчилар (фахрийлар) Бирлашмаси Кенгаши Раёсати, Афғон уруши ногиронларининг Республика хайрия жамғармаси Бошқарувининг 2003 йил 10 июлдаги 14-3/ 01-04/214 "а"/ 7 / 12 сонли қўшма қарорига биноан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

— ишлаётган ногиронларни, байналмилалчи жангчилар фахрийларни ва 18 ёшга тўлмаган ходимларни ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида касаба уюшма органлари ва иш берувчилар томонидан олиб борилаётган ишларни тармоқлар ва ҳудудлар миқёсида атрофлича ўрганиб чиқиш ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича қатъий чоралар кўриш;

— жамоа келишувларида меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ногиронлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар, ногиронлар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар киритилишига эришиш;

— хўжалик юритувчи субъектларда қабул қилинаётган меҳнатга ҳақ тўлашга оид локал ҳужжатлар касаба уюшма қўмиталари билан албатта келишиб қабул қилинишини иш берувчилардан талаб қилиш, бунда 18 ёшга тўлмаган ходимлар ҳамда ногиронлар учун камайтирилган меҳнат нормалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишига алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш;

— корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар ташкил этилишини, иш жойларини аттестация ва паспортизация қилинишини, уларда зарарли омилларни камайтириш чоралари кўрилишини, ногирон ходимларга тиббий хулосалар асосида тегишли меҳнат шароитлари яратилишини иш берувчилардан талаб қилиш;

— тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида тегишли касаба уюшма органлари вакилларининг иштирокини таъминлаш;

— маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматлари, кадрлар бўлимлари, ҳисобхоналари, хавфсизлик техникаси бўйича мутахассисларини меҳнат қонунчилиги бўйича шартномавий асосда ўқитишни ташкил этиш;

— Байналмилалчи жангчилар (фахрийлар) бирлашмасининг, Ногиронлар жамиятининг, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳуқуқий билимларни ошириш бўйича ёшлар орасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

Шунингдек, Федерация Кенгаши Раёсатининг қарорлари асосида ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари (хусусан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури) бажарилишига кўмаклашиш лозим.

Вакилликнинг Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги фаолиятини йўлга қўйишда Ўзбекистон КУФК Ижроия қўмитасининг 2002 йил 15 июлдаги 27-5 сонли қарори билан тасдиқланган „Касаба уюшма органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида Намунавий Низом"дан фойдаланиш тавсия этилади.

**Ўзбекистон КУФК**
**меҳнаткашлар**
**ижтимоий-иқтисодий**
**манфаатларини ҳимоя қилиш**
**бўлими**

## Ҳунарни асрабон нетгумдир охир...





# ВАРГАНЗА ЧЕВАРЛАРИ

***Халқимизда ҳунарли хор бўлмас, деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган. Ҳанифа Раҳматова ана шундай ҳунармандлардан.***

Китоб туманидаги "Варганза" хўжалигида 16 та қишлоқ бўлиб, 15 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Варганзаликлар боғдорчилик билан шуғулланишади. Ширин анорлари билан машҳур бўлган хўжаликда миллий ҳунармандчилик ҳам ривож топган. Каштачилик деярли ҳар бир хонадонда ўрганилади. Ҳанифа Раҳматованинг қизлари Нигора, Нодира, Наргиза, келинлари Гулсанам, Зулфиялар ҳам кашта тикиш сир-асрорларини мукаммал ўрганиб олишган.

— Бир неча йил "Ҳужум" бадиий буюмлар фабрикасида меҳнат қилиб, ўнлаб шогирдлар орттирдим, — дейди опа. — Пенсияга чиққач, уйда қалпоқ, тўн, чорсу, кашта тикиш ҳамда зардўзлик билан шуғулланиб, ноёб касб сирларини ёшларга ўргатдим. Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони биз ҳунармандлар кўнглини тоғдек кўтарди. Эндиликда давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинганимиз соҳани янада ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Дарвоқе, Фармонда айтилишича, корхоналар билан меҳнат шартнома тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади. Шунингдек, Ҳанифа опадек ишбилармон, тадбиркор ҳунарманд аёлларни, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

"Қаторбоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Ҳамроқул Каримовнинг таъкидлашича, Ҳанифа опанинг издошлари талайгина. Зебунисо номли мактаб ўқитувчиси Раъно Худоёрова ёшларга дўппидўзлик, каштачилик сир-асрорларини ўргатмоқда. Раъно Зоҳидова, Ҳабиба Комиловалар ҳам миллий ҳунармандчиликни ривожлантираётган чеварлардан.

**С.ШАВКАТОВ**

## Ўқинг, бу қизиқ!

***Инсоннинг табиати ғалати...***

***У ҳовлисидаги дарахт ва гулларни меҳр билан парваришлайди, куя тушмасин деб, кийим-кечакларини авайлаб-асрайди, қимматбаҳо буюмларига гард юктирмасликка ҳаракат қилади. Аммо ўзига қолганда... у даражада меҳр, эътибор, вақт ажратмайди. Нега? Ахир инсоннинг вужуди ва руҳияти ҳам парваришга муҳтож-ку! Биз узоқ умр кечириш ҳақида орзу қиларканмиз, ўз соғлиғимиз учун қайғурмай туриб, бунга эришиш мумкинмикин? Йўқ, албатта. Ўйлаб кўрайлик.***

# ЮЗ ЙИЛ УМР КЎРМОҚЧИМИСИЗ?

## унда ҳозирдан ҳаракатингизни қилинг

Юз йиллар яшаш истаги азал-азалдан мавжуд бўлиб, аждодларимиз бунга эришиш йўлларини тинмай излашган. Қадимги олимлар меъдани тозалаб туриш ва томирдан қон олдиришни узоқ яшаш омили, деб ҳисоблаган бўлсалар, табобат султони Абу Али ибн Сино "Агар чанг ва ғубор бўлмаганида одам минг йил яшарди" деган ҳикматни айтиб кетган. Баъзи бир алломалар масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратганлар. Аҳмад Дониш "Бордию ҳар бир киши овқатланиш қоидаларига амал қилса, 120 йил яшайди" дея башорат қилган. Маҳатма Ганди эса "1000 хил касалликнинг 999 тасини тўғри овқатланиш билан даволаш мумкин" деган ҳикматни ёзиб қолдиради. Дунёга машҳур биолог олим Борис Серґеев эса узоқ умр кўришнинг "сирли калити" юрак мушакларига жойлашганини эътироф этади. "Юраги тез урадиганларга нисбатан сустроқ урадиган кишилар кўп яшайди" деган хулосага келади у. Швейцариялик физиолог Галлернинг таъкидлашича, юз йил умр кўриш ҳам аслида наслга боғлиқ экан. "Узоқ умр кечириш одамга ўз ота-боболаридан генетик йўл билан ўтади" дейди олим. Бошқа олимлар тадқиқотлари натижасига кўра фикр юритиб, "узоқ яшаш бош мия фаолияти билан боғлиқ, мия қанчалик кўп ишласа, ақл-заковатини қанча кўп сарфласа шунчалик баракали яшайди" деган тахминларни илгари суради.

Хўш, ким ҳақ? Улуғлик ёшига етмоғимиз учун бундай тажрибаларнинг қай бирига кўпроқ таянишимиз лозим? Аслида ҳар битта фикр эгаси маълум даражада ҳақ. Айтилганларнинг ҳаммасини жамласак, шундай умумлашма юзага келади: "Узоқ яшашнинг асосий сири инсоннинг ўзига бўлган меҳри, эътибори ва эҳтиёткорлигидадир!" Демакки, ўзимизни – жисмимиз ва руҳимизни ташқи ҳамда ички таъсирлардан омон сақлашимиз зарур. Бунинг учун биринчидан, руҳиятимизни осойишталик қўрғони ила ўрайлик. Негаки, улуғ аллома фикрича, руҳ хасталанса (яъни безовталанса) тана ҳам касалликка чалинади!

"Кишидаги хасталиклар ўз-ўзидан бошланмайди, балки унинг маълум бир сабаби бўлади" деган экан дунё таниган башоратчи Ванга. У кўпгина касалликлар сабабини мана шундай изоҳлайди: масалан, қандли диабетнинг келиб чиқиши кучли стресс, қўрқув, қайғу-ҳасрат туфайли рўй берса, ошқозон яраси ўта оғир кечинмалар оқибатида пайдо бўлади. Шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилишига сабаб нотўғри овқатланишдир. Астма доимий совуқ ичимликлар ичишдан, шишлар зарба теккан жойларни вақтида даволатмасликдан, буйрак оғриғи қаттиқ совуққотишдан, бепуштлик эса жинсий аъзолар яллиғланишига бепарволикдан сўнг келиб чиқади.

Бундан ташқари, овқатланишда йўл қўйилган хатолар натижасида айрим хасталиклар авж олади. Ибн Синонинг айтишича, жаҳл чиққанда, руҳий изтироб чекканда ёки тананинг бирор жойи оғриб турганда ейилган таом яхши ҳазм бўлмайди. Қаттиқ чарчагандан кейин истеъмол қилинган овқат ҳам ошқозон фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бир беморнинг ҳикоя қилишига кўра, у шифокор ҳузурига бориб, ўн икки бармоқли ичак ярасидан азоб чекаётганини айтади ва маслаҳат сўрайди. Шунда дўхтир "сиз кўп асабийлашасизми?" дея беморга синовчан қарайди. "Менинг асабийлашишимга ошқозон касалининг нима алоқаси бор?" дейди бемор. Аслида шифокор ҳақ эди. Чунки, меъда, ичак тизими турли хил руҳий ҳиссиётларга сезгир бўлиб, кайфиятнинг бузилиши ошқозонда шира ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида ҳазм қилиш жараёни бузилади. Ҳазрати Алишер Навоий "Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон умоч хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан яхшироқ" деб бежиз айтмаган!

Кўпчилигимиз ақлий меҳнат кишиларимиз. Мутахассис шифокорларнинг уқтиришларича одам ақлий меҳнат билан қанчалик кўп шуғуллланса нерв ҳужайраларидан иборат марказлар шунчалик кўп кислород ва озиқ моддаларни талаб этади. Бу талабни қондириш учун аввало тоза ҳаводан нафас олиш, ундан кейин эса зарур бўлган айрим озиқ моддаларни истеъмол қилиш лозим бўлади. Масалан, киши сабзини хом ҳолида еса ёки шарбатини ичса, мияда модда алмашинуви яхшиланиб, хотира кучаяди. Хом карам таркибидаги моддалар эса асабийлашганда ижобий таъсир этиб, одамни тетиклаштиради. Лимонни эрталаб чойга солиб ичиш нерв тизимига бардамлик бахш этади. Шунингдек, бош миянинг ҳужайралари етарли даражада кислород билан таъминланишини истасангиз, вақи-вақти билан бош пиёз еб туринг. Ёнғоқ кексаларнинг миясига куч-қувват беради. Ижодий иш қилувчилар овқатида доимо зира бўлиши лозим, чунки ундаги эфир мойлари мия нерв ҳужайраларининг нафас олишини яхшилайди, дейишади олимлар. Киши кайфиятининг кўтарингки бўлишида нок муҳим аҳамиятга эга, бу мева мияда қон айланишини меъёрга солади, ҳар хил сабабга кўра танада тўпланган моддаларни зарарсизлантиради. Яхши пишган нокни ҳидлаганда асаб тинчланади. Психолог шифокорлар эса доимо тетик бўлиб юриш учун тоғ ва ўрмонзорларни сайр қилиш, шаршаралар товушини тинглаш, булоқлару жилғалар чулдирашига қулоқ тутиш лозим, деб ҳисоблашади.

Хитой донолари киши узоқ умр кўришнинг бир қанча сирларидан бизни огоҳ этаркан, шундай дейишади: "Сиз умрингиз давомида қуйидаги машқларга одатлансангиз, умрингиз ўзингиз орзу қилгандан ҳам кўра узунроқ бўлиши табиий. Яъни бир текис нафас олишга аҳамият беринг, кўз, қулоқ, юз, соч терисини ва қорин атрофини тез-тез уқаланг, елкангиз доимо текис турсин, диққатни бир жойга тўпланг, юрагингиз ҳамиша сокин ураётган бўлсин, оз сўзлаб, кўп эшитинг, таомни кам-камдан тез-тез ейишга одатланинг..." Машҳур табиб Абу Али ибн Сино эса узоқ яшаш ҳақида фикр юритиб, феъл-атворнинг юмшоқ, вазмин бўлиши, ўз вақтида овқатланиш, озода юриш, танани ортиқча нарсалардан тозалаб туриш, бурун орқал нафас олиш, тўйиб ухлашга алоҳида эътибор беришни уқтиради. "Бир йилда бир маротаба тоғли жойларга сафар қилиш, бир ойда бир маротаба сано ёрдамида ичакларни тозалаш, бир ҳафтада бир маротаба ҳаммомга тушиш зарур" дейди улуғ аллома.

Бундан уч минг йилларча илгари яратилган "Авесто" китобидаги аксарият боблар инсон соғлигини асрашнинг муҳим чораларига бағишланган. "Авесто" бизга "дунёда энг яхши нарса тозалик, одамнинг фикрлаши, танаси пок бўлиши керак" деб уқтиради. Хуллас, узоқ умр кечириш асосан ўзимизга боғлиқ бўлиб, бу нарса анчагина меҳнат ва эътиборни талаб этаркан! Агар юз йил яшашни истасак, фақат ўзимизни севиш ва ўзимизни қадрлаш орқали бунга эришамиз. "Инкор этиб бўлмайдиган яна бир ҳақиқат мавжуд. Яъни, инсон ўзгаларни ҳам ўзини яхши кўрганчалик яхши кўрса, уларнинг бахтли бўлишларига ёрдам берса, атрофини ўзгалар миннатдорчилиги туйғуси (ижобий био майдон) ўраб олади, бу нарса унинг умрига умр қўшади" дейишади психологлар.

**Г.ЖАМИЛОВА**

## Ифтихор

# ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁГА ЮЗ ТУТМОҚДА

***Республика миллий матбуот марказида Ўзбекистон Кураш федерацияси президенти, Сенатор Абдулла Ориповнинг Корея кураш федерацияси Президенти Ким Эл Жун билан расмий учрашуви бўлиб ўтди.***

Унда икки федерация ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш, кураш бўйича халқаро турнирлар, ўртоқлик учрашувлари ҳамда семинарлар ўтказишга келишиб олинди. Музокаралар якуни бўйича икки давлат федерациялари ўртасида битим имзоланди.

Ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад, ўзбек курашининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, шу билан бирга Кореяга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Ўзбекистон Кураш федерацияси курашни ривожлантираётган 70 дан ортиқ мамлакатнинг федерациялари билан ўзаро битимлар имзоламоқда.

Анжуманда 28-30 март кунлари Кореяда кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилиши маълум қилинди.

* * *

***Самарқанд шаҳрида спортнинг мини футбол тури бўйича аёллар ўртасида мамлакат чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.***

Беллашувлар натижасига кўра, Қаршининг "Севинч" жамоаси I-ўринга, Андижоннинг "Андижанка" ва Зарафшон шаҳрининг "Строитель" жамоалари II-ва III-ўринларга ҳамда Самарқанднинг "Шердор" жамоаси IV-ўринга лойиқ, деб топилди.

Ушбу спорт тури бўйича аёллар ўртасидаги мамлакат чемпионатининг иккинчи босқичи шу йилнинг март ойида пойтахтда ўтказилиши кўзда тутилган.

**"Туркистон-пресс".**

## Ўз уйингни ўзинг асра

***Яқинда матбуотда эълон қилинган «Аҳоли ва ҳудудларни сел-тошқин ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда ҳалокатларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини тезкорлик билан бартараф этиш борасида қимматли кўрсатмалар берилган. Табиатнинг ўзига хос синовлари, тилсимотлари, биз билган ва билмаган сир-синоатлари борки, инсон улар олдида баъзан ожизлик қилади.***

# ҲАР ҚАНДАЙ ТИЛСИМОТ

## ақл-тафаккур, илм-фан олдида сирларини очади

Қолаверса, халқимизда ўт ва сув балосидан сақласин, деган нақл бор. Чунки, азал-азалдан сув тошқинлари, сел оқимлари, кўчки ҳодисалари, қўйингки, турли табиий офатлар аҳоли тинчлигини бузиб, элни хавотирга солиб келган.

Маълумки, табиий офатлар кутилмаганда, қисқа вақт ичида содир бўлиб, халқ хўжалигига катта зиён етказади. Ачинарли томони шундаки, бундай ҳолатларда аҳоли ҳаёти хавф остида қолади. Шу боис ҳар бир давлат фуқаролари, моддий бойликлари, техникаси, маданий-маиший иншоотларини ана шундай кўнгилсиз ҳодисалардан асраб-авайлайди. Негаки, фуқаролар муҳофазаси умумдавлат муҳофаза сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда одамларни, халқ хўжалиги тармоқларини қутқариш ва тиклаш ишларини бажаради.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки давридан фавқулодда вазиятлар олдини олиш, табиий офат, ишлаб чиқариш авариялари ва ҳалокатлари оқибатларини тугатиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, табиатдаги ҳар қандай тилсимот ақл-тафаккур, илм-фан олдида ўз сирларини очади.

Ҳозирги босқичда, техноген ва табиий тусдаги фавқулодда вазиятларни олдиндан башоратлаш йўли билан (мониторинг) камайтириш, рўй бериши мумкин бўлган фалокатлардан аҳолини ўз вақтида огоҳ этиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш соҳасидаги умумдавлат сиёсатини шакллантириш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бу йўналишда аҳолининг ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзи бузилишини бартараф қилиш ва табиатнинг издан чиқишига олиб келувчи омилларни олдиндан ўрганиш фавқулодда вазиятлар давлат тизимининг (ФВДТ) роли ва масъулиятини ўсиб боришини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисини турли табиий офатлардан сақланишга тайёрлаш ва ўқитишга чуқур эътибор берилмоқда. Жумладан, таълим муассасаларида ва ишлаб чиқариш тармоқларидаги фуқароларга "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси" йўналишида назарий ва амалий билимлар берилмоқда. Республикамиз ҳудудларида экстремиал ҳолатларда ҳаракатланувчи фавқулодда вазиятлар давлат тизимлари тузилиб, улар кўп босқичли амалий вазифаларни бажаришмоқда. Бундай кенг қамровли тизимнинг хусусияти шундаки, ҳар бир тизим сардоридан тортиб, то ҳудуд доирасидаги раҳбаргача фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарликни такомиллаштириб бормоғи даркор. Шу билан бирга турли тоифага эга бўлган аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш тўғрисида кенг ўқув амалий тадбирларни ўтказиш лозим.

Ҳозирги кунда фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислар, ўқитувчилар ўзларининг лавозимларига мос ҳолда махсус дастурлар асосида тайёрланмоқдалар. Жумладан, Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тасарруфидаги фуқаро муҳофазаси институти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги таянч ўқув юртларида ўз билимларини оширишмоқда.

Шу жумладан фуқаро муҳофазаси мутахассислари нафақат фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш йўналишида, балки бошқа хавфли ҳолатлар, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-экологик вазиятлар хавфи, тури ва сабаблари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш асносида билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Республикамизнинг ФВДТ фаолият даражаси аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиши, унинг оқибатларини тугатишда муҳофаза воситаларини қўллаши, мутахассисларнинг малака даражаларига ҳамда кенг халқ оммасининг хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлади.

**М.ТОЖИЕВ,**
**Тошкент Молия институти доценти**

## Турфа олам

# АСАЛ АЙНИМАС

***Халқимиз асалнинг минг бир хосияти бор, деб бежиз айтмаган. Чиндан ҳам бу табиат неъмати таркибида киши танаси учун зарур бўлган кальций, калий, натрий, магний, темир, хлор, фосфар ва олтингугурт тузлари ҳамда турли витаминлар бор.***

Гул асалининг тўртдан уч қисми қанд моддасидан ва 18 фоизи сувдан иборат. Тўйимли ва енгил ҳазм бўладиган бу табиат неъматининг бир килограммида 3200 калория энергия мавжуд.

Асал қайси фаслда ва қандай ўсимлик гулларидан йиғилганига ҳамда ранги, ҳиди, таъмига қараб бир-биридан фарқ қилади. Тоғлик ерларда жойлашган асаларичилик хўжаликларининг асали энг мазали ва хушбўй ҳисобланади. Бундай ерларда асаларилар ҳар турли доривор гулларнинг ширасини йиғади, соя-салқин ўрмонлардаги ўсимликлар гулларидан йиғилган асалнинг сифати пастроқ бўлади.

Асалнинг чўзилувчанлиги унинг таркибидаги сув миқдорига, ҳароратга ва кимёвий тузилишига боғлиқ. Асалда сув қанча кўп бўлиб, ҳарорат юқори бўлса, у шунча кам чўзилади. Тоза асал ҳеч вақт айнимайди. Бунинг сабаби унинг таркиби мураккаб эканлигидадир.

Қадим замонларда узоқ сафарга чиққан кишилар ўз озиқ-овқатларини бузилишидан сақлаш учун асалдан фойдаланишган. Ривоятга кўра, Яқин Шарққа юриш қилаётган кезларда безгак касаллиги билан оғриб, вафот этган соҳибқирон Искандар Зулқарнайннинг жасадини бузилмасин учун Македония пойтахтига асал ичида олиб келишган экан. Маълумотларга қараганда, қадимги юнонлар ва римликлар гўштни айнитмай сақлашда асалдан фойдаланишган.

Асал қадимги давлат арбоблари, саркардалар, ижодкорларни турли дардлардан фориғ этганини ўша давр адабиётларидан ўқиш мумкин. Бинобарин, асалнинг шифобахшлик хусусияти қадим замонлардаёқ маълум бўлган ҳамда у халқ табобатчилигида туркона дори сифатида ишлатилган.

Буюк шифокор олим Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" асарида ёзганидек, "асал аъзоларимиздаги суюқлик ўтказувчи томирлардан фасодни ҳайдаб чиқарадиган нарса. Асал кўз хиралашишига ҳам дори... Томоқ оғриқни даволайди".

Бугунги кунда асал парҳез неъмат сифатида тавсия қилинади.

**Акбар АЛИЕВ**
**тайёрлади**


# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!





**"TULPOR" савдо уйи масъулияти чекланган жамияти**

- *Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.*
- *Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.*
- *Автомобилларга божхона солиғи тўланган.*
- *Уларнинг сифати тўла кафолатланади.*

*Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20.*


## Билиб қўйган яхши

# БИР БОҒ ПЕТРУШКА БИР СИҚИМ ОЛТИНГА ТЕНГ

***Петрушкани билмайдиган одам йўқ, албатта. Аммо бир боғ петрушка бир сиқим олтинга тенглигини кўпчилик билмаслиги аниқ.***

Мутахассисларнинг эътироф этишларича, петрушкада витаминлар, флавонидлар, эфир мойлари ва инсон соғлиги учун зарур биологик фаол моддалар бор экан. Петрушка бош оғриғини камайтиради. Айниқса, пешоб ҳайдаш хусусияти билан ҳам у бебаҳодир. Ҳиндистон ва Тибетнинг кўҳна табобатида петрушкадан аёллар касалликларини даволашда фойдаланишган.

Ибн Сино эса петрушкани овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, пешоб ҳайдовчи, иштаҳа очувчи, жигар ва аёллар касалликларида дори сифатида тилга олиб ўтади. Буюк алломанинг тавсиясига кўра доим петрушка истеъмол қилиб юрган қиз-жувон соғлом фарзанд кўрар экан. Аёлим гўзал, фарзандларим дуркун бўлиб ўссин, десангиз петрушкани энг ишончли табиат неъмати сифатида кўпроқ истеъмол этинг. Яна бир сир: петрушкани доимий истеъмол қилган аёлларнинг чеҳраси гулдек чиройли, қомати расо, соғлом ва қувноқ бўлади.


«Согласно определения Хозяйственного Суда за № 2094/01-к от 7-8 сентября 2001 г. купля продажа второй территории по адресу: ул. Катта-Каъни-3 ОАО «Газавтоматика» ЧПКФ «Тогриной» признана не действительным, в связи с этим кадастр за № 7626900035, считать не действительным».

**Администрация ОАО «Газавтоматика»**


«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси масъул котиб ўринбосари Ҳасан Абдужалиловга акаси **Абдусаттор АБДУЖАЛИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18996 Буюртма Г— 414

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.00

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456